



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 март, шанба №40 (872)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовга Ўзбекистон ва жаҳон спортини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан берилган Олтин ордон республикамиз Олимпия шон-шухрати музейининг энг ноёб экспонати ҳисобланади.

МУЗЕЙНИНГ НОЁБ ЭКСПОНАТЛАРИ

Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари арафасида Халқаро Олимпия Кўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч Президент Ислон Каримовга олимпиада голяларини нафақат республикада, балки минтақада тарғибот қилишга қўшган улкан хиссаси учун қимматли мукофот - «2000 йилнинг Олимпиада дарвозаси»ни юборди.

Спортчиларнинг Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида муваффақият қозонишига рағбатлантириши лозим бўлган бу мукофотни Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейига сақлаш учун топширди.


Мукофотни топшириш маросими Наврўз умумхалқ байрами арафасида ўтказилди.

Шунингдек, музей экспонатлари қаторидан жорий йил феврал ойида Тошкентда ўтказилган кураш бўйича халқаро мусобақа иштирокчилари томонидан Президент Ислон Каримовга топширилган Халқаро кураш федерацияси кубоги ҳам ўрин олади.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳодир Махситов ва Миллий Олимпия кўмитаси Президенти Собир Рўзиев бу қимматли совғаларни Ўзбекистон Президенти номидан музейга топширар экан, Ўзбек спортчилари Сиднейдаги Олимпия ўйинларида муваффақият қозонишига ишонч билдирди.

(ЎЗА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17 март кuni Оксарой қароргоҳида Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати раисининг ўринбосари Илья Клебановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида-

ги ўзаро ҳамкорлик алоқалари томонларнинг манфаатларига мос равишда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Меҳмонлар ҳам, Россия Ўзбекистонни ўзининг стратегик ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасида ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Суратда: Қабул пайти Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ОФАРИН

Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланган мазкур танлов мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, шубҳасиз.

Шу кuni азим ва навқирон Тошкент кўчалари ҳар қачонгидан ҳам гўзаллашиб кетди. Рангин ёрқинлик кўтаринки кайфият ҳукм сураётган кўнгилларга янада улғуворлик бахш этди.

Муҳташам Халқлар дўстлиги саройида халқ ўзи севган ижод ахллари — қаламкашу журналистлар, шоир ўзвучилар, созандаю хонандаларни кизгин оқшлар ила кутиб олди.

Хусусан, ўзбек адабиётининг оқсоқоли, атоқли ёзувчи Саид Аҳмад танқидий мақолалари ва таржима асарлари учун «Энг яхши бадий асар муаллифи» номинацияси бўйича голиб, танқидий адабиётшунос олим Озод Ша- рафуддиновга совринни ўз қўли билан топшираётган самимий бағрига босар экан, беихтиёр кўзларда ёш қалқди. Ахир, бундай ҳаяжонли онлар ҳар кuni ҳам бўлавермайди-да!

Президентимиз томонидан қўллаб-



қувватланган ва Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Ижтимоий-сиёсий жамғармаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа бир қатор жамоатчилик ташкилотлари томонидан ўтказилаётган «Офарин» йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови бу йил илк бора бўлаётгани боис номзодлар ҳам, томошабинлар ҳам ҳаяжонда эдилар. Буни голибларнинг ўзлари-да эътироф этдилар.

Шариф ҚОДИРОВ — Республикамизда ўтказилган оммавий байрамларни юксак маҳорат билан тасвирга туширганлиги учун «Энг яхши телетасвирчи иши» номинацияси бўйича голиб:

— Ҳозир жуда ҳаяжонданман... Мен аввало меҳнатларимни бу қадар юксак баҳолаган давлатимизга, ортимга, халқимга таъзим қиламан. Шу билан бирга ушбу мукофот фақат менга эмас, мени қамолга етказган онажонимга, мен билан елкама-елка туриб ижод

қилаётган ҳамкасбларимга, журналистларга тегишли деб биламан. Уларга «Мен сизларнинг барчангизни яхши кўраман», - дея ҳурмат билдираман. Камтарона бир ўғли меҳнатини шу қадар улғулаган ва кадрлаган Ватаним равнақи ва саодати йўлида бундан буён ҳам муносиб ижод қилиш мақсадим эканлигини билдирмоқчиман. Ўзбекистон доимо гўллаб-яшнайсин.

Аҳмадjon МЕЛИБОЕВ — ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун «Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи» номинацияси бўйича голиб:

— Дунёда ижод ахлини, зиёли меҳнатини қадрловчи катта-катта танлов ва мукофотлар мавжуд. «Оскар», «Ника», «Гремми» шулар жумласидандир. Бу каби танловларни ташкил этганининг мазмун моҳияти, маъноси шуки, ҳар қандай жамият тараққиёти ривожини ўз зиёлиларига бўлган муносабатига кўл жиҳатдан боғлиқ. Ижодкор, зиёлилари қадр топган мамлакатнинг келажаги порлоқдир.

Дарвоқе, мустақил Ватаннинг машҳур танловлари бўлиши лозим - кино соҳасида, адабиёт соҳасида... Балки улар халқаро нуфузга эга бўлган тadbир даражасига ҳам кўтарилар. Масалан, Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали жаҳонга машҳур бўлиб кетди. «Офарин» ҳам ушбу танлов даражасида юксалса не ажаб.

Табиийки, илк бора ўтказилаётган бу тadbир ҳақида турли фикр ва тақлифлар ҳам билдирилмоқда. Инчунун, келажакда матбуот ва оммавий ахборот воситалари бўйича танлов номинацияларини кўпайтириш лозим. Шунингдек, унга Халқаро танлов нуфузи берилса фойдадан холи бўлмасди, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Номзод ва голибларга келсак, фақат совриндорлик эмас, чамаси бир неча юзлар ичидан танланиб, номзод бўлиш ҳам голиблиқдир. Уларнинг якуний босқичга етиб келишининг ўзи ижодларига бўлган эътирофдир. Шу ўринда Италияда ўтказиладиган шоирларнинг ажиб бир танлови ёдга тушади. Унда учинчи ўрин соҳибига қумушдан ясалган атиргул, иккинчи ўрин эгасига эса олтин атиргул, биринчи ўринга лойиқ деб топилган ижодкорга эса табиий атиргул тақдим этилади. Бунда табиийлик учун қуратиш рамзи яшаринган.

Бу ҳақда гапиришимизнинг боиси, бизга Хумо қуши рамзи туширилган соврин берилиши Ватаннинг эъзози ва жуда қимматли мукофоти эканлигини таъкидлашдир. У биз учун бениҳоят кадрли ва бекиёс ҳурматдир. Бу мукофотни оқлаш учун эса жуда кўп иш-лаш, ёзиш, ёзганда ҳам яхши ёзиш даркор.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч»нинг махсус муҳбири.

Баҳор — яшариш, гўзаллик фасли!

Баҳор — меҳр-муҳаббат, нафосат фасли!

Ана шундай олам-олам мўъжизаларга тўла фасл Ўзбекистон бўйлаб дастлаб Жайхун бўйларига ташриф буюради. Вилотнинг Термиз тумани «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги Патта-Кесар маҳалласи Амударё бўйида жойлашган бўлиб, 200 йиллик тарихга эга.

Айниқса, баҳор келганда бу ерда табиат янада ўзгача чирой очади. Дархаллардаги митти қушчаларнинг чуғур-чуғури,

ариқларда оқаётган зилол сувларнинг шилдираши, бодом, шафтоли, ўрик гуларининг нафис ифори киши қалбини аллагандай бўлади. Ана шундай сўлим табиат бағрида улғайган кишилар эса, санъатга, куй-қўшиққа ошурфта қалб эгалари бўлишади, дейдилар.

Дарҳақиқат, Патта-Кесар маҳалласида ҳар бир йилнинг тўй-томоша, Наврўз байрамлари маҳалла ёшларидан ташкил топган «Гунеш» фольклор-этнографик ансамбли қатнашчиларининг дилрабо куй-қўшиқлари, шўх-шодон рақсларисиз

ўтмайди. 15 кишидан иборат мазкур гуруҳ аъзолари туман, вилот микёсида ўтказилаётган кўрик танловларда Жайхун оҳанглари тараннум этиб, тингловчиларга завқ-шавқ бағишламоқда.

Суратда: «Гунеш» фольклор-этнографик ансамбли иштирокчилари Дилбар Валиева, Гулшан Абдураҳимова, Феруза Сунонова ва Гулжамол Аннакуловалар маҳалла боғида.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ЖАЙХУН ОҲАНГЛАРИ



МЕҲР-ОКИБАТ РАМЗИ

Йирик саноат маркази Олмалик шахрида баҳор ва янгилик байрами - Наврўзи олам катта шодоналар билан кутиб олинмоқда. Ҳозиргача бу ерда икки марта оммавий хашар ўтказилди. Айни пайтда кенг микёсдаги ободонлаштириш ишлари қизгин давом этапти. Наврўз кuni шахарнинг кўп миллатли аҳолисини «Металлург» стадионида катта байрам сайли кутмоқда. Шаҳардаги кўпгина корхона ва ташкилотлар байрам тайёргарлигини кўриб қўйди. Хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинати ёлғиз қариялар ва нафақахўрларга, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси Охангарондаги вилот қариялар уйи аҳлига, «Савдо» масъулияти чекланган жамият жамоаси эса шахардаги вилот махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларига байрам дастурхони ёзиб, совға-салом тортиқ этди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган режага мувофиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам совға-салом улашिलाди.

Бугун эзгуликни дилига жо айламаган, кўнгли меҳр-окибатга лиммо-лим тўлмаган кишини учратиш қийин. Наврўз чиндан-да юрт истиқлолидан сўнг янгича моҳият-мазмун касб этди. Етим-есирлар, бева-бечоралар, беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга баҳоли қудрат хиннат кўрсатиш одат тусига қираётгани халқимиз томонидан кизгин маъқулланаётган.

Хайрли ишни ҳар доим, ҳар кuni қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган Сирдарё вилот касабга уюшма ташкилотлари саъй-ҳаракатида ўзгача руҳ сезилмоқда. Улар кўнгли кемтик кишиларнинг бирортасини ҳам назардан четда қолдирмаслик, уларнинг ўқис дилига малҳам беришга чоғланишган. Мана, бир неча кундирки, фалон қишлоқ ва кўрғонларда бўлиб, кам таъминланган ночор оилаларга мурувват ёрдами кўрсатишни бошлаб юбордилар.

— Наврўз байрами арафасида кўп эзгу ишларни режалаштирганмиз, - дейди касабга уюшмалари вилот кенгаши инсонпарварлик муаммолари ва ёшлар ҳуқуқларини

МУРУВВАТ

химоя қилиш бўлими мудири Мухаббат Жўрабоева. — Ёлғиз қариялар, кекса фуқаролар, касабга уюшма фахрийларига 200 минг сўм, меҳрибонлик уйларига 150 минг сўм, кам таъминланган кўп болали оилаларга бир миллион сўмга яқин мурувват ёрдами кўрсатишни бошлаб юборди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган режага мувофиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам совға-салом улашिलाди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху Муборак Ийд ал-Адхо ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан самимий табрик ва эзгу тилақларимни йўллаш менга чексиз қувонч ва мамнуният бахш этмоқда. Ушбу айём муносабати билан Қодир Аллоҳдан Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат, сихат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқи ҳамда ислом умматига осойишталик, хавфсизлик ва куч - қудрат ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига самимий табриклар ва юксак эҳтиром ила,

Биродарингиз Фаҳд бин Абдулазиз ас-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислон Каримов, Сизни ва биродар халқингизни Қурбон байрами муносабати билан чин қалбдан табриклайман.

Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Эҳтиром ила,

Ҳайдар АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху Жаноби Олийлари, Муборак Ийд ал-Адхо муносабати билан ўзимнинг илиқ табрик ва самимий қутловларимни йўллашдан беҳад бахтиёрман.

Ушбу байрамдан руҳланган бутун дунё мусулмонлари тинчликни мустақкамлаш ва тараққиёт йўлида янада жипслашишларига умид билдираман.

Жаноби Олийлари Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Шаҳобуддин АХМАД, Бангладеш Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Адхо ва Наврўзнинг муборак айёми муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Сиз Жаноби Олийларига мустақкам соғлиқ ва Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Мухаммад Рафиқ ТАРОР, Покистон Ислон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Қадрдон дўстим,

Қурбон байрами муносабати билан Сизга самимий табриклар ҳам давлатингиз биродар халқига энг эзгу ниютлар, бахт ва равнақ тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Қамолти эҳтиром билан,

Сапармурод НИЁЗОВ, Туркменистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муслмон умматининг муборак Ийд ал-Адхо байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини, ҳукуматингиз ва қардош халқингизни Фаластин халқи ва шаҳсан ўз номидан табриклайман. Сизга чин қалбдан сихат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб, биродарона эҳтиромимни изҳор этаман.

Ушбу муборак айёмда Аллоҳ Субҳонаху ва Таолодан муслмон умматига ва шу жумладан, қардош халқингиз ва мамлакатингизга хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига Ийд ал-Адхо муносабати билан яна бир бор эзгу тилақларимни билдириб, мустақкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингиз ва мамлакатингизга тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ёсир АРАФОТ, Фаластин мухторияти раиси, Фаластин озодлик ташкилоти раиси

лигида жойлашган «Меҳрибонлик уй» авлобисига кириб келган ховбусни тарбияланувчилар шод-хуррамти. Тармоқнинг туман кўмиталари 450 минг сўмга яқин совға-салом-

лар ажратилган. Хусусан Боевут туманидаги 69-мактаб-интернат тарбияланувчиларига 90 минг сўмлик кийим-кечак тақдим этилди. — Шаҳримиздаги кам таъминланган оилаларни химоялаш, хайрия сумалаги ташкил этишга 120 минг сўм маблағ сарфладик, - дейди Гулистон шаҳар таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси кўмитаси раиси Алижон Матҳолиқов. — Эзгуликнинг эрта-кечи бўлмайди. Биз ҳам ана шундай савобли ишларни янада жонлантиришни ният қилиб қўйганмиз.

«Баҳор» жамоа хўжалигида жойлашган «Меҳрибонлик уй» авлобисига кириб келган ховбусни тарбияланувчилар шод-хуррамти. Тармоқнинг туман кўмиталари 450 минг сўмга яқин совға-салом-лар ажратилган. Хусусан Боевут туманидаги 69-мактаб-интернат тарбияланувчиларига 90 минг сўмлик кийим-кечак тақдим этилди. — Шаҳримиздаги кам таъминланган оилаларни химоялаш, хайрия сумалаги ташкил этишга 120 минг сўм маблағ сарфладик, - дейди Гулистон шаҳар таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси кўмитаси раиси Алижон Матҳолиқов. — Эзгуликнинг эрта-кечи бўлмайди. Биз ҳам ана шундай савобли ишларни янада жонлантиришни ният қилиб қўйганмиз. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Тажриба

ИШЛОВЧИЛАР СОНИ ҚИСҚАРДИ

аммо ҳеч ким ишсиз қолмади

Иш тажрибамдан шунга амин бўлдимки, ҳар қандай ташкилотнинг мавқеи амалий ишлар билан белгиланади. Фақат ваъзхонлик, мажлисбозлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шу сабабли кейинги йилларда ҳўжалик касаба уюшма кўмитасининг ишини аниқ мақсадларга йўналтирдик. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини ва белгиланган тадбирларнинг пировард натижасини таъминлаш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолди. Зеро, ҳар бир деҳқон касаба уюшма кўмитасининг фаолияти натижасидан баҳраманд бўлиши керак.

Ҳўжалигимиз меҳнаткашлари 511 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Ҳар йили тамаки, галла, картошка ва сабзавотдан юқори ҳосил олиб келинмоқда. Иш пудрат асосида ташкил этилган. Шунга қарамасдан, далада ишловчилар доимий эътиборга муҳтож. Уларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга интиляяпмиз. Деҳқонларнинг меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш айниқса, долзарбдир. Яқинда ҳўжалигимиз ширкатга айлантирилди. Бу жараён табиий равишда ишловчилар сони қисқаришига олиб келди. Бунда биз ҳар бир кишининг шароитини, имкониятларини, ишчанлигини атрафлича ўргандик. Уларнинг аксариятига бошқа иш таклиф қилинди. Қисқартирувга тушганларнинг деярли ҳаммаси мутахассислиги ёки қобилиятига

яраша иш билан таъминланди. Бозор шароитида қийинчиликлар вақтида жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирларни, хусусан, меҳнат муҳофазаси масалаларини ҳал этишга маблағ топиш қийин. Ўтган йили шунга ўхшаш муаммага дуч келдик. Меҳнат муҳофазасига 6 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратиш назарда тутилгани ҳолда, биринчи ярим йилликда унинг 20 фоизигина ўзлаштирилди. Июнь ойида касабакўм мажлисида ушбу масала ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди. Х.Бобоев, Қ.Асламов, А.Қорабеков каби фаолларимиз мавжуд аҳвол ҳақида ҳаққоний ва ҳолисона фикр билдиришди. Натижада қолган маблағ йил охиригача тўлиқ ажратилиб, ўзлаштирилди. Белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ҳўжалик устахонасида катта қўламда таъмирлаш ишлари бажарилди. Касабакўм қарорининг самарасини барча таъкидлади.

Бундан ташқари, спорт ва соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга имкон топилди. Қатор спорт тадбирлари ўтказилди. Шунинг натижаси ўлароқ теннисчиларимиз вилоят бўйича биринчи ўринни эгаллашди.

Ю.ИСЛОМОВ,
Ургут туманидаги
«Самарқанд» ширкат ҳўжалиги
касабакўм раиси



Сурхондарё вилояти матлубот савдо бирлашмаси давр талаблари асосида фаолият кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Ана шу мақсадда қишлоқларда янгидан замонавий дўконлар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Яқинда Термиз туманидаги Мангузор қишлоғида иш бошланган «Орзу» супермаркетида харидорлар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Бахтиёржон ҲАМРОКУЛОВ
олган суратлар.

КАСАБА УЮШМА СТИПЕНДИЯСИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидан кейин ўтказилган Раёсатида мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этишга ҳисса қўшиш, аъло баҳолага эришган, кам таъминланган, ногирон талабалар, аспирантларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус стипендия жорий этишга қарор қилди.

Бу муқтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг сессиядаги «Соғлом авлод деганда мен фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки руҳан ва фикран соғлом, мустаҳкам эътиқодли, маълумотли, маънавий бой, ўз Ватанини севувчи, мард ва жасур авлодни ҳам кўзда тутаман» деган пурҳижмат сўзларини ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмиталарининг улар ҳудудида ана шу савобли ишни мувафақиятли амалга ошириш борасидаги фикрлари, таклифлари ўрганилмоқда.

М.МУРЗАЕВА.

Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор 30-мин тоғ этакларидаги Тошлоқ яйловлари ҳам ўз сепини ёйди. Чорвадор деҳқонлар дилда соғинч ва шижоат билан яйловлар ва далаларга ошиқа бошлади.

— Ҳўжалигимизда беш мингга яқин кўй-эчкилар мавжуд, - дейди раис Равшан Отабоев. - Чўпонларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар жиҳатдан ижтимоий ғимоялаш, илғорларни ўз вақтида рағбатлантириб бориш учун бор имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Жорий йил бошида чорвадорлар билан меҳнат шартномаси тузилди. Унга асосан чўпонлар ҳар ўз бош совлиқдан 100 бош кўзи оладиган бўлдилар. Агар қайсики чўпон шартномадагидан

ортиқча, яъни 100 бош совлиқдан 120 бош кўзи олишга муваффақ бўлса, 10 бош кўзи мукофот тариқасида унга берилди.

да қизиқарли танлов ўтказилди. Унга бутун қишлоқ ахли тўпланди. Ҳа, «Ортага — қўлам навоси, дилда халқнинг дуо-

бош кўзидан 70 тасини ўстиришга қолдирамиз. Дарҳақиқат, бугунги кунда чўпонлар ўз турмушларидан мамнун.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

изланиш, ташаббускорлик туфайли маощдан қарздорлик тугатилди

Наврўз байрами арафасида қишлоқлардаги болалар боғчаси, мактаблар, шифо масканлари сифатли таъмирдан чиқарилган. Кабристонлар, гузарлар тозаланиб, ободлаштирилди. — Маҳаллалар аҳиллиги, ёшлар тарбиясига эътибор кучайтириляпти, - дейди илғор чорвадор Аъзам Абдурашулов. - Масалан, яқинда «Абдуносир ота» ҳамда «Мамарози ота» маҳаллалари ўртаси-

си» деб номланган байрам танловига барчага манзур бўляпти. Қўлам неъматлари ҳисобланган сумалак, ёрма, ҳўсомсалар дастурхонларга ўзгача фойз бағишляпти. — «Соғлом авлод йили»да 500 бош совлиқдан 600 бош кўзи олиш ниятидаман, - дея сўхбатни давом эттирди тажрибали чўпон Мирзақул Бердиев. - Бундан ташқари, 400 килограмм жун топширмоқчимиз. Ҳар 100

Чунки уларнинг ишлашлари учун ҳамма шартшароитлар яратилган. Мисол учун яқинда чорвадорларга ишчи кийимлари тарқатилди. Маҳалла, мактаб ва меҳнат жамоаларида Наврўз байрамини кўтаринки кайфиятда ўтказишда ҳўжалик маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилляпти. **Абдулла АЙИЗОВ,**
«Ишонч» мухбири.

МИЛЛИЙ МАФКУРА ТАРҒИБОТИ

Бугунги кунда халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, асраб авайлаш, ривожлантириш, шунингдек, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтариш давлат сийбати даражасига қўтарилган. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йўғилишида Юртбошимиз маънавият устувор йўғилиши эканлигини алоҳида эътироф этди.

Зеро, биз бугун замон билан ҳамоҳанг «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти» сари бораётган эканмиз, қадимий бой маънавиятимиз, қадриятларимиздан унумли фойдаланган,

айланмоғимиз лозим. Куни кеча Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Миллий мафкура тарғиботининг долзарб муаммолари» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди. Уни бошлаб берган республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби А.Болиев асосий эътиборни ҳар бир жамият ўз эҳтиёжларига мос маънавий қадриятлар тизимини, мафкуравий йўғилишларни, дунё-

З.Исомидинов «Матбуотда иймон ва ймонсизлик талқинлари», УРФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти докторанти Э.Очилов «Китобларга ким масъул?», Юнус Ражабий номли мусика билим юрти директори Ш.Ёрматов «Мусика, миллийлик ва ёшлар тарбияси» мавзуларида чиқиш қилдилар.

Феруза САЙДАМАТОВА,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими.

ҲАРАКАТГА ЯРАША САМАРА

Йўғ ҳаракати хавфсизлиги ойлигида Қашқадарё вилояти ДАН ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар айниқса бошланғич ташкилотлар-маҳалла ҳамда мактабларда тарғибот ва ташвиқот ишларига катта эътибор қаратмоқдалар. ДАН ходимлари йўғ ҳаракати бўйича ўқувчилар ўртасида турли мусобақа ва беллашувлар уюштирмоқдалар. Жойларда ташкил этилаётган қизиқарли сўхбатлар ва йўғлар аҳолининг йўғ ҳаракати қондаларига оид билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ март ойининг биринчи ярмида кўнгилсиз ҳодисалар кескин қамайди. **М.ҲАЙИТОВА.**

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўғ берилган. Мақсадга эришишда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мустаҳкам таянч бўлмоқда. Бирок айрим ўринларда кимлардир масаланинг моҳиятига тўғла тушунишга етмай қолган. Бирёқлама иш юритиш, уқубатли оқибатида ҳайрли саъй-ҳаракатлар йўғига сўғний тўғик қўғилмоқда. Қуйидаги воқеа бунга ёрқин мисолдир.

Бухоролик тадбиркор Шавкат Холиқов «Юсуф-бобо» савдо-тижорат фирмасида фаолият юритади. У 1998 йилнинг октябрида яхна ичимликлар савдо базасидан 4529 рақамли хат орқали 500 минг сўғликка яқин тайёр маҳсулотлар харид қилиб, юк машинасида уни қарийб 100 километр олисқилда жойлашган Қоракўғ туманига олиб боради. Унга фирма ходимларидан Акмал ва Илҳом Атаевлар ҳам ҳамроҳлик қиладилар. Туманга кириверишда машинани ДАН ходими К.Авезев тўғтатади. Савол-жавоблар узок вақт давом этади. Охиры оқибат тортишув, келишмовчиликлар келиб чиқади. Тадбиркорнинг тажрибасизлиги, ўз ҳуқуқларини

Сабаби шуки, суд қарор чиқариш чоғида фирма фаолиятини, махсус сертификатини тасдиқловчи ҳамда унинг савдо базасидан олинганлигини изоҳловчи ҳужжатлар негадир инобатга олинмади. Табиийки, бу ҳол тадбиркорларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Таажжуб, ДАН хо-

ўзгармоқда. Кези келганда, ишибилармон, тадбиркорларнинг ўзларига ҳам эътирозимиз бор. Модомики, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш сари дадил болаётган эканмиз, улар ҳам ҳуқуқ ва бурни, имтиёзларини зарур бўлган тақдирда қатъий туриб ҳимоя қила олсинлар-да!

ҚОРАКЎҒДА «КОЛА» ИЧИШМАЙДИМИ?

ёхуд тадбиркорликни «қўғлаб-қувватлаш»нинг антиқа усули

димини қўғ турайлик, тадбиркорларга ёрдам бериш, истеъмолчи манфаати йўғидаги саъй-ҳаракатларни қўғлаб-қувватлаш, тегишли йўғ-йўғиқ кўрсатишга даъват этилган солиқ идорасининг вакилларида тортиб, ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт бўлган туман суди ҳам бирёқлама иш юроти... Бундан қўғнадики, мулкка, мулкдорларга, улар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга бўлган муносабат жуда секинлик билан

Таассуфки кўғ бор таъкидланаётганидек, улар мавжуд қонунларни яхши билмайдилар. Шунинг оқибатида улар қўғилиб, туртиниб-суртиниб фаолият юритмоқдалар. Нима бўлганда ҳам мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Аста-секин тугун ечила бошлади. Ш.Холиқовнинг вилоят судига йўғлаган қасқия шикоятига Қоракўғ туман суди унга нисбатан адолатсизлик қилганлиги қўғсатилиб, яхна ичимликлар ноқонуний равишда мусодара

176-модда 2-қисми чиқариб ташланди. 166-модданин 1-қисми билан таинланган жазо (ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилиниб, 3300 сўғ жаримага тортиш) эса қолдирилди. Табиийки, бу ҳол даъвогарни қаноатлантирмади. Шу боис, у яна судга мурожаат этишга мажбур бўлди. Бирок, вилоят судининг 3.Худойбердиева ва М.Бозорова раислигида мазкур масала юзасидан 1999 йил феврал ва март ойларида чиқарган ҳулосалари ҳам аввалги

ларидан деярли фарқ қилмади. Шу ўринда республика пойтахтидан «Кока-кола» ичимлиги тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб берадиган қўғма қорхона бош директорининг ўринбосари У.Исмаилов ва имзоси билан Ш.Холиқовнинг адвокати Ф.Ҳамдамов номига юборилган хатдаги қисми билан қўғилган айблов — молларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача бўлган микдорда жарама солишга сабабчи бўлиши мумкин бўлган ҳолат ҳам ўз-ўзидан бекор қилиниши керак эмасми? «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўғи ҳам, сўғи ҳам — Қонундир». Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўғларни ҳар биримиздаги ишончини мустаҳкамлайди, ўз юрти-мизда, она заминимизда ҳалол ишлаб, эмин-эркин яшашга даъват этиб туради. Чамаси, кўғ нарса ойдинлашди. Эҳтимол, олиб-югуришлар натижаси ўлароқ келтирилган моддий зарар ундирилган. Аммо маънавий зарарнинг ўрини нима билан тўғдириш мумкин?

ПЕНСИОНЕРЛАРГА СОВҒАЛАР

Урганч шаҳридаги Махсус таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмасининг 402 нафар аъзоси бор. Кўғитага Қадамбой Отаев раҳбарлик қилади. Жамоада ҳар йили пенсияга чиқаётганлар катта тантаналар билан қўғатилади. Масалан, ўтган йили пенсия ёғишга етган чилангарлар Эгамберган Қўғқоров ва Тангриберган Нурматовлар юбилейи ҳиссадорлик жамиятида зўғ тантаналар билан нишонланди. Уларнинг ҳар бирига гилам ва 20 минг сўғлик мукофот берилди.

Қорхонада ишлаб пенсияга чиққан кексаларнинг ҳолидан хабар олиш ҳам яхши йўға қўғилган. Ўтган йили ана шундай кишиларга 155 минг сўғлик совға улашилди.

Касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларга иш шароитларини яхшилашда мунтазам ёрдам қўғини чўғиб келмоқда. Мисол учун жамоа аъзоларининг ишга бориб-келишлари бепул. Улар учун дам олиш хоналари муҳайё қўғилган. Тиш даволаш шифокори ва ҳамширалар ишчи-хизматчиларга намунали тиббий хизмат қўғсатишмоқда.

Жамият равнақи кўғ жиҳатдан соғлом авлоднинг камол топишга боғлиқ. Буни яхши англаган касаба уюшма кўғитаси ходимлар фарзандларидан 26 нафарини вилоятдаги марказий оромгоҳларда дам олишларини уюштирди.

Ун бир ой ичида меҳнатни муҳофаза қилишга 1 миллион 970 минг сўғ сарфланди. Ҳар бир ишчи махсус кийим билан таъминланди. Меҳнат хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади. Натижада бир йил мобайнида ҳеч қандай кўғилсиз ҳодиса рўғ бермади.

Сўғни ойларида Урганч шаҳридаги кам таъминланган, кўғ болали оилаларга, боқувчисини йўғотган, ногиронларга 447 минг сўғлик моддий ёрдам берилди. Шу Наврўз кунларида уларга алоҳида меҳрибонлик қўғсатиляпти. **Эркин ЭРМАТОВ,**
«Ишонч» мухбири.

Бизнингча, биз ҳижоя қилаётган тадбиркорнинг бошга тушган 18 ойлик сарсон-саргардонлик фақат бир кишининг кўғи-лиги эмас. Шу боис, Ш.Холиқов масаласи қандай тугагини кўғдан-кўғ тадбиркорлар сабрсизлик билан қўғишмоқда. Қатъий фикр шуки, тадбиркорлик йўғидаги бу каби сўғний тўғиқларни дадил олиб ташлаш, тарақийтга тўғаноқ бўлаётганларга қарши муросасиз курашимиз даркор.

Ниҳоят, масалага одилона ёғдишлиб, изчиллик қўғсатилади. Бухоро вилоят судининг раиси томонидан назорат тартибидега протест киритилиши ва бу тўғтамни вилоят судининг раёсат мажлисида атрафлича муҳокама этилиши айни муддао бўлди. Раёсат мажлисининг қарори буюсан, мазкур материал юзасидан илгаридан қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, ишни қонуний ҳал қилиш масаласи кўғдаланг қўғилди. **Усмои НАВРЎЗ,**
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ,

ШУ ЖУМЛАДАН СОҲА МЕХНАТКАШЛАРИНИ

...да барпо этил-
бу корхона мамлака-
из халқ ҳўжалиги учун
ур нометалл қувурлар
ёрлашга ихтисослаш-
Унинг умумий қийма-
106,5 миллион немис
каси микдориди
иб, Германиянинг


технология раён билан
яқиндан танишиди, авто-
матлаштирилган ускуна-
ларнинг қуввати ва ишлаб
чиқариши янада кенгай-
тириш имкониятлари бил-
ан қизиқди.
Хорижий ҳамкорлар бил-
ан суҳбат чоғида Юртбо-

...лий филология
йўналишлари бўйича пу-
та билим оладилар.
Президент Ислам Кар-
имов ўқувчилар билан
суҳбатлашар экан, истик-
лол туфайли яратилган
бундай имкониятларнинг
қадрига етиш, дунёга до-
вруғи таралган ажодларга
мос фарзандлар бўлиш
учун улар аввало мустақ-
киллик моҳиятини англа-
ши даркорлигини уқтир-
ди. Бунинг учун эса
ёшларда етарли билим ва
онг шакллантирилмоғи
лозим. Ҳар қайсимиз Ва-
тан менга нима берди деб
эмас, мен Ватанга нима
бердим деб яшашга
ўрганмоғимиз лозим,
деди Юртбошимиз.



...ЛАЙДИ!

БАЙРАМИ БИЛ



Ж

...линер Банк»и ва
«мес» сугурта фирма-
монидан молиялаш-
ган.
ерда ишлаб чиқари-
ган турли ўлчам ва
даги қувурлар, уло-
фталар тайёрлаш
ишлатиладиган хом
калций карбонат
қварцли қум мамла-
кида олинди, тех-
...нинг би-

шимиз бундай маҳсулота
га нафақат бизда, балки
кўшни давлатларда ҳам
эҳтиёж катта эканлигини
таъкидлади. Чунки, сув
ресурсларидан тежаб-
тергаб фойдаланиш, сугори-
риш тизимини такомил-
лаштириш республикамиз
учун муҳим масаладир.
Шу билан бирга давлати-
миз раҳбари ишлаб чиқа-


Шу кун Президент Ислам
Каримов Ташки иқтисодий
алоқалар вазирлигининг
янги биносини ҳам
кўздан кечирди.
Тарихий аҳамиятга мо-
лик бу бино замонавий
тарзда таъмирланган
бўлса-да, ўзининг бетак-
рор мезморий қимматини
йўқотмаган, балки янгича
чирай очган. Йўлбошчи-
миз унинг ўзига хос ус-
лубда таъмирланганлиги,
шинам ва қулай иншоот-
га айланганлигини

**нимиз —
гуллаб**

**яшайверсин. Яратганнинг
ўзи ёмон кўзлардан асрасин!**

ТОШКЕНТ ШАҲАР АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон халқини Наврўзи олам билан муборакбод этади.



*Янги кун, яшарин ва янгилашин айёми ҳар
бирингизнинг қалбингизга баҳор нафасидек соф
тўйиқларни ошно этсин, хонадонингиздан кўй-барака,
бахтиқ иқбол аритасин.*



ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР



Дилфуза «дунё билан муро» килиб атиги 22 йил яшади. Атиги 22 йил...

У бу давр мобайнида тинимсиз изланди. Хукукшунослик соҳаси бўйича касб мутахассислигини эгаллади. Шу билан бирга, яхшигина шеърлар ёзди. Республика матбуотида кўзга кўринди. Дилфуза бу икки соҳада хали кўп ишлар қиладиган, эл қорига ярайдиган шижоатли киз эди. Бугун умр китобни ўзига дўст билган, ҳар доим китоб кўтариб юрган Дилфуза ҳаётининг сўнгги дақиқаларига қадар ҳам мутлола билан машғул бўлди.

ЗАМИННИНГ ЎГЛИ БОР ЎЗ-ЎЗИГА БЕК

Тинимсиз айланар, айланар замин, Ўн саккиз минг даҳр узра парвона. Шу замин ичинда гўзал олам бор, Унда алпомишлар кезмоқда, ана.

Заминнинг ўгли бор ўз-ўзига бек, Тақдир шамолида ўзлик хўп тўзган. Мавриди келганда ёнган ўтиндек, Мавриди келганда барчадан ўзган.

Ойнинг ярми қора, ярми шуълавор, Қора кунга энди кўйилажак чек. Бугун боши узра хурлик тожи ёр, Заминнинг ўгли бор ўз-ўзига бек!

ЎЗБЕГИМ

Ўзбегим, ҳаётинг қайта тикланди, Чирой очди такрор сенинг қизларинг. Ёлмағур одатлар энди чекланди, Яна давом этгай улуг изларинг.

Ўзбегим, дардларинг менга намён, Энди сен бу билан доим бахтлисан. Қалбингдаги ўйлар бизларга аён, Ўғил-қизинг билан бирга тахтлисан.

Ўзбегим, тиларман соғлиқ ва омон, Парилар келтирсин сенга буюк шон. Ўзбегим, бахт ва тахт сендадур ҳамон, Сени машхур қилган бу — Ўзбекистон.

Намён эт энди сеҳрларингни, Зафару шон ила меҳрларингни. Ўзбегим, сенда бир сиймо яралди, Куйларинг оламга мангу таралди.

ДИЛФУЗА БЕГИМ.

Эсимни танибманки, ҳамқишлоқларим - баландчайликлар билан ҳар Наврўзда қирларга чиқиб «Йил боши» қиламиз. Бу аъна ҳеч қачон, ҳеч қайси йилда қанда қилинмаган, ҳатто меросимиз қатагон этилган йилларда сумалаклар қозони билан ағдариб ташланганда ҳам «Йил боши» ўз вақтида ўтказилган. Халқ адир-қирларга «Йил боши» ўтказиш учун гурас-гурас чиқарилган, амалдорлар ўзларини қаерга уришларини билмай қолишарди. Баландчайликларга бас келиб бўладими, қонунни пеш килиб бошига борсанг, жайдари гаплар билан жойингга ўтказиб қўйишади. Шунинг учун амалидан кўрканг раҳбарлар «Йил боши» атрофида бирон ёққа дам олишга ёки мажлис баҳонасида кўрмасликка олаверган бўлдилар. Нафсиламбирини айтганда, улар қилаётган эзгуликларни халқ минг йиллар давомида эъзозлаб келган. Мана бугун раҳбарлар ҳам халқ билан биргаликда «Йил боши»нинг «Гўжа оши»дан ичмоқ учун келмоқдалар.

Бу бежиз эмас. Бу пайтда баҳорнинг дармондориларга бой таомларидан 2-3 марта тўйиш керак бўлади. Гўжа ош жуда тўйимли, инсонга қувват бағишладда жинсин ва сумалакдан кейин туради. Гўжа оши тайёрлаш учун илгари ёшлигимизда ота-боболаримиз ҳафтада тайёргарлик кўришарди. Бугун ҳам шу аъналар қандай бўлса, шундайлигича давом этаяпти. Баҳор бошланиши билан қариялар, оғаллар уйма-уй юриш оли кудрат эҳсои юрар. Кимдир пул, кимдир кимдир бугдой касабак беради. Ҳамма нарса ўртага қўйилади, икки-уч қозонда гўжа ошлари тайёрлашга киришилади. Йиғилган бор масаллик гўжа ошга аралаштирилиб пиширилади. Ғўлин борми, нўхат, лова, кўй гўшти, мол гўшти, хулласи калом, илликдай миқтиллаб пишган таом халққа баробар тарқатилади.

Бу таомни пишириш йигирма-ўттиз йиллар илгари бошқачароқ бўларкан. Шунинг учун ушбу таом таъми аралаштирилиб пиширилади. Уч-тўрт халта галла бир кун олдин ивителирди, бугдой оқлаш, тўйиш учун бўйи етган қизлари, келинлари бор хонадонларга бўлиб бери-

ларди. Келинчақлар эса бўйи баробар келиларда бугдой тўйишарди, туни билан катта гулхан ёқишиб, байрамлар ўша жойда бошланиб кетарди. Келинлар, қизлар гупиллатиб кели уришарди, кампирлар йўл-йўриқ кўрсатиб бўлгач, гулхан атрофида чордона курганча чанқовузини, доирасини кўлга олардилар. Чанқовуз нағмаларидан қизларнинг овозлари лола ранг оларди. Чунки ҳар бир куй,

ЙИЛ БОШИНИНГ ГЎЖА ОШИ

нағманинг ўз номи бўларди. Чанқовузнинг «баёв-баёви» бўйи етган қизларга кўёв чорларди. «Баёв-баёв, Оймомога келсин кўёв, баёв-баёв, Рўзимуроджон Хонимойга бўлсин кўёв...» дегандай имо-ишоралар қилинарди. Кўпчан масалликни тайёрлаш янги тушган келинчақларнинг ўтовлари ёнида ҳам бўлиб қоларди. Биз каби ёш болалар чанқовузда куйланган келин ёки қизнинг атрофида қикирлашиб кулардик, рўмолларидан тортқилаб,

палаб кўрардилар. Тушган келинчақнинг чеварлиги ана шу ўтовнинг жиҳозларига қараб баҳоланарди. Йил бошида кайвонилар ўшандай келинчақларни оғиздан бол томиб, тилга олардилар. Кели тўйиш, бугдой оқлаш ҳам бир сонс эди. Ўша давларда қариялар қизларни зимдан кузатардилар. Уларнинг гупиллатиб кели тўйиши, бугдойни соз оқлаши, ўзини тутта билиши, ибосига қараб, Йил бошидан сўнг совчи қўйишарди. Ҳар қалай, икки-уч йилдан

бери қадим удумларимиз ана аслига қайтапти. Ўн йиллар давомида гўжа ошлар қирларда эмас, пана-пастқам жойларда ташкил этилган эди. Шу сабабдан ҳам пастқам кўчаларда байрам қилинган сабабми, гўжа ош, «кўча оши»га айланиб айтилгандир. Тўғриси, Йил бошига атаб тайёрланган таомнинг номи гўжа оши эди, баландчайликлар эса уни «кўча ош» деб юритадилар. «Кўча ош» дейлишига яна бир сабаб бор. Бу таом фақат кўчада ейилиши ва ҳовлига олиб кирилмайдилар, нафслари ором олганларича танаввул этиб, қўлларини, косаларини ҳам шу ерда ювиб кетадилар. Аммо «кўча ош»дан тотмаган одам қолмайди, ўрнидан қимирламай ётган касал ёки кекса кишини ҳам кўчага кўлда кўтариб чиқиб, таом едирадилар.

Бу йил ҳам одатимизга кўра, баландчайликлар «кўча оши» пиширишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунга уйма-уй кириб айтиб чиқилмайди, ҳамма ўзидан билиб, далага чиқади, давра-давра бўлиб ўтирадилар, кайвонилар бошчилигида

ёшлар ҳаммага тенг таом улашадилар. Момоларимиз, «Омонлик, сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик» дея таом ёйишни бошлаб берадилар. Ҳақиқатан ҳам, Йил бошининг «кўча оши»ни еган одам йил бўйи бардам юрадилар. Ушандай халқнинг фарзанди эканимдан бошим осмонга этиб юради. Чунки, бу аъналарни ўша қирда тирган ота-боболари, момолари тишларининг қавагида асраб, шу кунгача етказиб келди. Ахир, бу удум ва аъналарни келгуси авлодга етказиш бу кунги ёшларнинг зиммасида. Бундай «кўча оши»дан тотган авлод ўзидан кечмайди, бошидан тегиримон тоши юргизсаларда, ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги «кўча оши»дан ёб, эзгуликлар йўлига кўприклар қурадилар. Бу кўприкдан ўтган йўл барчангизни Йил бошининг «Кўча оши» сайлига олиб боради. Бу аъналарни давом эттирган ҳар кимсани боболар руҳи қўллади, икки дунёси обод бўлади, халқи олдида юзи ёруғ, имони бут бўлиб, Йил бошининг «Кўча оши»гача эсон омон етказида.

Ш. АШУРОВА.

Фасллар келинчаги бўлмиш баҳор Зомин тоғ этакларидаги Тошлоқ яйловларига ҳам ўз сепини ёйди. Чорвадорлар деҳқонлар дилда соғинч ва шижоат билан яйловлар ва далаларга ошиққа бошладилар. Бу юмушда айниқса, «Янги чорвадор» ширкат хўжалигида амалга оширилаётган ибратли ишларни кўрсангиз, қалбингиз бир олам қувончга тўлади.

— Хўжалигимизда беш мингга яқин қўй-эчкилар мавжуд, - дейди раис Равшан Отабоев. - Чўпонларнинг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоялаш, илғорларни ўз вақтида рағбатлантириб бориш учун бор имкониятлардан фойдаланаямиз.

«Юз ишчиғар бир бошчи» деганларидек, бундан бир неча ой муқаддам Равшан Отабоев ширкат хўжалигида раисликка сайланди-ю, ижобий ишлар кўзга

кўрина бошлади. Кўп йиллардан буён ойлик маошларини ололмай келаётган чўпонлар кўли пул кўрди. Қарзлар узилди. Ойлик-маош, муқофот пуллари вақтида берилаяпти. Чорвадорлар бунга янги раиснинг тadbиркорлигига йўйишяпти.

Жорий йил бошида чорвадорлар билан меҳнат шартномаси тузилди. Унга асосан чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 100 бош кўзи оладиган бўлдилар. Агар қайсики чўпон шартномадагидан

ортиқча, яъни 100 бош совлиқдан 120 бош кўзи олишга муваффақ бўлса 10 бош кўзи мукофот тариқасида унга берилди.

ҚУТ изланиш, маошда

Наврўз байрами арфасида қишлоқларда болалар боғчаси, макталар, шифо масканлари сифатли таъмирдан чиқрилган. Қабристонлар гузарлар тозаланиб, обдонлаштирилди.

Маҳаллалар аҳлигига, ёшлар тарбияси эйтибор кучайтириляпти. - дейди илғор чорвадор Аъзам Абдурашулов. - Салан, яқинда «Абдуноота» ҳамда «Мамарота» маҳаллалари ўр-



ЮРТИМИЗДА - ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Нихоят, муҳлисларимиз орзиқиб кутган кун ҳам этиб келди. Бугун минглаб, миллионлаб муҳлислар семими жамоаларининг чиройли ўйинларини кўриш учун стадионлар томон ошиқадилар. Футбол кунидеб эълон қилинган бу кун уларни миллионлар ўйини яна ўзининг ажиб оламига бошлайди. Зеро, бугун мамлакатимизнинг 10 та ўйингоҳида IX миллий чемпионат байроқлари тантанали равишда кўтарилади.

Биринчи турда ўтган чемпионат голиби «Дўстлик» (Тошкент вилояти) «Қизилқум» (Зарафшон), «Навбахор» (Наманган) «Зарафшон» (Навоий), «Пахтакор» (Тошкент шаҳри), «Андижон» (Андижон)ни қабул қилса, Фарғонанинг «Нефчи» ҳамда Самарқанднинг «Самарқанд-Динамо» жамоалари Ангренда маҳаллий «Семурғ» ва Кўконда «Темирйўлчи»нинг меҳмони бўлишади. Шунингдек, бугун «Металлург» (Бекобод) - «Турон» (Нукус),

УРА ТАРҒИБОТИ

З.Исомиддинов «Мабутда иймон ва монсизлик талқини». УРФА Алиш...

боғчасида Наврўз олди тантаналари бўлиб ўтди. Айниқса, тайёрлов гуруҳи раҳбари Сайёра Саидхўжаева бошчилигида ўстирилган майсаларнинг сумалак ошига масаллик сифатида ишлатилиши болажонлар эйтиборини тортди. Шу кун 17 нафар неваранинг бувижониси бўлган Хумоят опа Абдуллаева тайёрлаган сумалак барчага маъжул бўлди.

Суратларда: 497-боғчада Наврўз тантаналари. Р.АЛБЕКОВ олган суратлар.

“ТАЖРИБА ТАЪМИРЛАШ МЕХАНИКА ЗАВОДИ”

очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши

- 1. Хиссадорлик жамиятининг 1999 йилдаги фаолияти натижалари ҳақидаги директор ҳисоботи.
- 2. Йиллик ҳисоботлар ва бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
- 3. Тафтиш ҳайъати хулосасини ва аудиторлик текширувларининг хулосасини тасдиқлаш.
- 4. 1999 йил якунига кўра жамиятнинг даромадларини тақсимлаш.
- 5. Жамиятнинг янги Низоми лойиҳасини тасдиқлаш.
- 6. Бошқа масалалар.

“ТАЖРИБА ТАЪМИРЛАШ МЕХАНИКА ЗАВОДИ” ОТХЖ

2000 йил 1 январга бухгалтерлик Баланси

Бандлар номлари	Актив	Пассив
1. Устав капитали	—	8445
2. Резерв капитали	—	363
3. Тақсимланмаган фойда	—	635
4. Фондлар (максадли тушумлар)	—	2496
5. Мажбуриятлар	—	3079
6. Асосий фондлар ва бошқа айланма активлар	-5596	—
7. Айланма активлар	-9422	—
БАЛАНС	15018	15018

1999 йил корхона даромадлари - 33431 минг сўм
Харажатлар ва мажбурий тўловлар - 32796 минг сўм
Жорий йилнинг соф фойдаси - 635 минг сўм
“КОМЭТ-А” (лицензия № 139 1996 йил 8 июл) аудиторлик фирмаси тасдиқлаган.

Ажойиб-ғаройиб БЕШ ДАҚИҚАЛИ ДИРЕКТОР

Тошкент циркининг ҳурилиши салкам ўн йил давом этган. Цирк ишга тушгунга қадар ўндан ортиқ раҳбарлар иш боши бўлдилар. Сўнгги раҳбарлардан бирининг фаолияти даврида бир танишимнинг укаси бўёқчи бўлиб ишларди. Қарангки, пардозлаш ишлари жараёнида ярим пақир қизил бўёқ етмай қолди.

Дўстимнинг укаси бошлиқлардан бўёқчи ундира олмагач, тўппа-тўғри цирк директори хузурига кириб дардини айтибди. У ҳам пинагани бузмай: — Ука, йўқ бўёқчи мен қаердан оламан! — деб жавоб қилибди. Бўёқчи йигит раҳбарига тушунтира кетибди:

— Биздан хиёл нарида трамвай депосида ортиқча бўёқ сероб. Дено раҳбарига кўнғироқ қилиб, ярим пақир қизил бўёқ сўрасангиз, ҳозирок ўзим бориб олиб келаман.

Цирк директори нима деб, қандай қилиб кўнғироқ қилишга ақли етмай турган бир пайтда, бўёқчи йигит раҳбарига ақл ўргатибди: — Розилик берсангиз, беш дақиқага ўрнингизга ўтириб, бир ойдан бери ҳал бўлмаётган шу ишни битказар эдим.

Раҳбар рози бўлибди. Креслода бир оз ястаниб ўтирган бўёқчи йигит, цирк қаршисидаги трамвай депоси раҳбарига кўнғироқ қилибди: — Сизни қаршингизда-

ги цирк директори бевозта қияпти. Ҳадемай циркимизи ишга тушиб қолса, марҳамат қилиб кираверасизлар. Энди шу десангиз, сизлар ишлатадиган қизил бўёқдан ярим пақир керак бўлиб қолди. Раҳмат, раҳмат! Йўқ демаслигингизни билган эдим. Ҳозир олдингизга бир ишчимни юбораман.

Шундай қилиб, бўёқчи йигит трамвай депосидан ярим пақир ўрнига, бир пақир бўёқ олиб чиқиб, цирк раҳбарини лол қолдирган экан.

Беш дақиқага директор бўлган бўёқчи йигит қаерда бўлмасин, ханузгача ажойиб ишлар қилиб юради.

Саидмурод САИДАҲМАД.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютертеги терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алали 14.002 нуска. Сотуvida эркин нархда.
«Шарк» нашрийт-матбаа концерни бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30